



Б.А.ФАРФИЕВ

## ИСЛОМ РАЦИОНАЛИЗМИНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИДАГИ ЎРНИ

*It is known that in the mentality of every nation there is a religious element. Of course, in some nations their mentality is strongly influenced by religious components, and vice versa, in the mentality of other nations, the role of components of religions may be very weak or may have only a symbolic meaning. In the Uzbek national mentality, Islamic values, based on the principles of rationality, are important. The phenomenon is studied in this scientific article within the frames of the sociology of religion.*

Маълумки, диний эътиқод ўзининг мазмун ва моҳиятига мувофиқ жамият аъзолари дунёкараши-нинг муҳим бир элементи сифатида намоён бўлади. Диний эътиқоднинг бундай ижтимоий-маданий сифатлари унинг муайян жамиятда бажараётган рационал социологик функциялари билан изоҳланishi мумкин. Жумладан, ислом дини таълимоти ҳам рационал ижтимоий ҳодиса сифатида мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ислом дини рационалликка асосланган арконлари билан нафақат якка худоликни тарғиб этади, балки унга эътиқод қиласидаги кишиларнинг турмуш тарзи ва менталитетига фаол таъсир кўрсатиш салоҳиятига эгадир.

Россиялик таникли олим Г. И. Мирский ёзган эди: «Исломни замонамизнинг энг кучли ва ҳаётбахш дини, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳеч бир бошқа динда исломда-гидек ўз эътиқодларига зўр ихлос ва бутун вужуди билан содиқ бўладиган кўп сонли кишилар бирлашмаси учрамайди. Ислом ҳаёт асоси ва барча нарсаларнинг мезони бўлиб гавдаланади. У ўзига кўплаб тарафдорларни жалб этмоқда. Мазкур дин асосларининг оддийлиги ва зиддиятли бўлмаганлиги, унда мураккаб метафизик конструкцияларнинг мавжуд эмаслиги, дунё ва жамиятнинг тўлиқ ҳамда тушунарли манзарасини бера олишга кодирлиги – буларнинг барчаси исломга янги кишиларнинг оммавий тарзда қизиқишига хизмат қилмоқда. Исломни нима, деб атамадилар – «камбағаллар цивилизацияси», «қолоқ дин», «энг уришқоқ дин», «тоқатсизлик ва фанатизм дини», «саҳроликлар дини», «инсонни поёнсиз тарзда камситувчи дин». Лекин ушбу ёрликларнинг ҳеч бири мусулмон эътиқодининг асл моҳиятини акс эттира олмайди» [1].

Демак, рационаликка таянадиган ислом қадриятлари ва улар негизида шаклланган ахлоқий меъёрлар ҳамда ижтимоий назорат механизмлари ҳар қандай шароитларда бу динга эътиқод қиласидаганлар учун уларнинг турмуш ва тафаккур тарзининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади, деган фикрни дадил илгари суришимиз мумкин. Бундай хулосани исломга эътиқод қиласидаги кишилар ҳам эътироф этишади. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод қилган таникли рус мутафаккири В.С.Соловьев куйидагиларни ёзган эди: «Мусулмонларнинг биздан устунлиги шундаки, улар ўз динларининг қонунлари асосида яшайдилар. Ҳолбуки, уларнинг эътиқодлари ҳақиқий эмас, лекин ҳаётлари эса сохталик ва ёлғондан форигдир»[2]. Албатта, бундай хулосаси билан рус файласуфи ўз-ўзига қарши бўляпти. Чунки ҳаёт тарзи сохталик ва ёлғондан йироқ бўлган кишининг диний эътиқоди ҳам шунга яраша, яъни чин тарзда бўлади. Зоро, фақат асл ҳақиқатни акс эттирадиган эътиқод реал ҳаёт билан омухта бўла олиши исбот талаб қиласидаги аксиомадир.

Ислом ва унинг рационал-тарбиявий салоҳияти ҳакида буюк немис шоири Гёте ҳам ўз ижобий фикрларини билдиргани туфайли Шарқнинг таникли мутафаккири Мухаммад Иқбол уни ўзининг гоявий устози – Жалолиддин Румий билан бир қаторга қўйиши ҳам бежиз эмасди. Жумладан, Гёте ёзади: «Кўриб турганингиздек, бу таълимот, яъни ислом ҳеч қачон муваффақиятсизликка учрамайди. Бизнинг барча тизимимиз, умуман олганда ҳеч бир инсон ундан илдамроқ узокқа кета олмайди»[3].

Дарҳақиқат, ислом фақат ибодат ва расм-руссумлар йиғиндисидан ташкил топган дин эмас, балки

**Фарфиеев Баҳром Атҳамджонович** – Ўзбекистон Миллий университети докторанти, социология фанлари номзоди, доцент

у ўзининг рационал тартиб-меъёрлари билан кишилар ҳаётини мувофиқлаштириб турувчи ижтимоий-тарбиявий тизим ҳамдир. Унга эътиқод қиласиган фуқаролар ахолининг кўпчилигини ташкил қиласиган айрим жамиятларда ушбу тизим расмий, бошқаларида эса, айниқса, секулярлашганларида норасмий маъно касб этади. Шунинг учун ўзини мусулмонликка мансуб ҳисоблайдиган кишилар кундалик ва ижтимоий ҳаётларида ислом дини аҳкомлари ҳамда кўрсатмаларига амал қилишга интилишларида уларнинг мазмуни оқилоналиг асосида намоён бўлишига қатъий ишонадилар. Зоро, ҳар қандай шароитларда ҳам мазкур тизимнинг ядросини ислом рационализми тамоили ташкил этади. Бахтга қарши, социологик адабиётларда ислом рационализми тушунчасига ҳозиргача муносиб таъриф берилгани йўқ. Тўғри, бу ҳакида маълум бир илмий тасаввурлар илгаридан мавжуд. Хусусан, ислом оламининг машҳур олимлари: Абу ал-Хасан ал-Ашари ва Абу Мансур ал-Мотуридий ислом дини ривожига ўзларининг улкан хизматларини айнан рационалистик таълимотлари ёрдамида кўшдилар.

Чунончи, Абу Мансур ал-Мотуридий Аллоҳнинг борлигини факат ақлга таяниш асосида билиш мумкинлигини таъкидлайди. Бунда у айрим факихлар ва ҳадисшунослар билан баҳс-мунозага киришади. Чунки уларнинг инсон тафаккурини такомиллашмаган ва у хато қилишга мойил, деб таъкидлашларига кескин эътироҳ билдириб, ал-Мотуридий «Тавҳид» асарида қўйидагиларни ёзади: «Ақл ила олиб борилган тадқиқотларни рад этувчилар ўзларининг бундай мазмундаги мулоҳазаларини айнан тафаккур қилиш фаолиятлари асосида ҳосил қиласидар. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам ақлнинг далиллари нақадар зарурлигини кўрсатади. Агарда Аллоҳнинг ўзи Куръонда ақлнинг далилларини кўллаш заруриятини қайта-қайта буюрса, қандай қилиб бунга қарши бўлиш мумкин»[4].

Буюк ватандошимизнинг мазкур фикрлари ислом оламининг таникли мутафаккири Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Туси томонидан янада ривожлантирилганига алоҳида эътибор қаратишимиш лозим. Ўзининг «Ихъя’ ‘улум ад-дин», яъни «Дин илмларининг жонлантирилиши» асарида у ислом динида ақлга таяниш ҳолатининг устувор масала эканини Куръони карим оятлари ва ҳадислардаги маълумотлар асосида исботлашга ҳаракат қилган. Жумладан, у Умар ибн ал-Хаттобнинг Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) қўйидаги фикрларини келтирганига алоҳида эътибор қаратади: «Аллоҳнинг

расули айтди, одам қадр-қиммати жиҳатидан ҳеч бир нарса у билан тенглаша олмайдиган – ақлга эга бўлди. Ақл ўз эгасини тўғри йўлга йўналтириб, уни ҳалокатдан йироқ қиласиди. Қачонки бандасининг ақл-заковати комилликка етишмас экан, унинг эътиқоди тўлиқ, дини эса ҳақиқий бўлмайди»[5].

Бу ерда биз кишилар ўз тафаккурларини ривожлантира бориб, дунёвий ва диний ҳаёт тарзларини муносиб равишда ташкил қилишлари мумкинлигини изоҳлашга дуч келиб турибмиз. Диққатга сазовор жойи шундаки, ислом динида тафаккурга оид бўлган мазкур тамоилил 1596–1650 йилларда яшаб, ижод қилган, Фарб фалсафасида рационалистик ғояларнинг ривожига ўзининг салмоқли улушини кўшган француз файласуфи Рене Декартнинг «Мен фикрлаяпман, демак мавжудман», деган машҳур холосасидан анча олдин илгари сурилганига ишончили далиллар.

Таъкидлаб ўтганимиздек, ислом рационализми тушунчасига ҳозирча бирор-бир, аниқ социологик таъриф берилгани йўқ. Лекин бу ҳолат мазкур масалага ҳали этибор қаратилмаган, деган холосани келтириб чиқармаслиги лозим. Бинобарин, айрим замонавий олимлар ўз тадқиқотларида ислом рационализмiga яқинроқ тушунчаларни келтириб, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, келиб чикиши араб бўлган, таникли француз олими, Сарбона университети профессори – Муҳаммад Аркун ўз тадқиқотларида «исломий ақл» тушунчасини келтиради ва унинг ижтимоий аҳамиятини асослаб беришга интилади. Бу ерда оламнинг фикри ислом цивилизацияси муаммолари ҳақида эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Зоро, кўп асрлар давомида дунё цивилизацияси ривожига катта таъсир кўрсатиб келган ислом цивилизацияси кейинги даврларда турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Чунки ҳар қандай миллат ўз менталитетида танқидий жиҳатларни мужассамлаштирумаса, унда тараққиёт ҳақидаги тасаввурлардан воз кечиб, турғунлик ҳодисаси билан дуч келишимиз муқаррардир.

Президентимиз Ш. М. Мирзиёев 2017 йилнинг 10 сентябрида Қозогистон Республикасида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида айнан шундай турғунлик оқибатида биз Фарб мамлакатларидан ортда қолаётганимизга танқидий урғу берди: «Айни вақтда қўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим. Масалан, аъзо давлатларнинг

фақатгина 11та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўқиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7та давлат ҳиссасига тўғри келган. Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион гоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим»[6].

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари ҳар қандай кишининг менталитетида ўзига ва ён-атрофида гиларга нисбатан танқидий муносабат шаклланган бўлсагина у мавжуд камчилик ва муаммоларни мос равишда таҳлил этиш имконига эга бўлади, деган хulosha чиқаришга ундайди. Нуқул ўтган аждодлар ва уларнинг буюк хизматлари билан мақтанавериши (афсуски, бу ҳозирда бизнинг менталитетдаги энг қусурли ҳолатдир) ярамайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай соҳадаги ҳодиса ва воқеалар бўйича танқидий муроҳазалар мавжудлиги муқобил фикрларнинг пайдо бўлишини таъминлайди. Ўз навбатида бу ҳолат тафаккуримизнинг рационал салоҳиятининг янада такомиллашишига хизмат қиласди. Жамият аъзолари тафаккурининг рационаллик даражаси ошиб бориши, ўз навбатида, цивилизация тараққиётiga, жумладан, ислом цивилизацияси ривожига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Ислом рационализми, бизнингча, ислом динига эътиқод қилувчиларнинг турмуш ва тафаккур тарзлари(менталитет)ни шакллантириш ҳамда уларни ривожлантиришга йўналтирилган билимлар, аҳкомлар, қадриялар, ахлоқий меъёрлар, шунингдек, бағрикентлик каби гуманистик ғояларни ўзида ифодаловчи социологик категориядир. Ислом рационализмининг миллий менталитет шаклланишига бевосита таъсир кўрсатиши авваламбор илмга таянган ҳолда содир бўлади. Зеро, илм ислом дини мазмунининг ядросини ташкил этади. Айнан илм туфайли ўзимиз ва бизни ўраб турган олам ҳамда ундаги мақомимизни тўлиқ англаб етамиз.

Кўхна Мовароуннаҳр тарихига мурожаат қиласидан бўлсақ, худудимизга ислом кириб келмагунича илм-фан соҳаси бўйича бутун оламга танилган иирик қомусий мутафаккирлар этишиб чиқмаганини ҳолатига дуч келамиз. Таникли форс олими Абдул Хусайн Зарринкубнинг фикрларимизга

қўйидаги муроҳазалари «Аббосийлар замонида, кўплаб таникли олимлар этишиб чиқкан Хоразм, Фарғона, Фороб, Синда ва бошқа худудларда ислом тарқалишигача бўлган даврда деярли сезиларли илмий фаолият кузатилмаган. Илмий тадқиқотлар натижаларини исломнинг юксалиши натижасида содир бўлишини алоҳида бир ҳалқ ёки алоҳида бир худудга тааллукли, деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос мавжуд эмас. Бинобарин, мусулмонларнинг айнан бу соҳадаги муваффакиятлари уларни мақсадга интилувчанликлари ва турли-туман ғояларга нисбатан тоқатликлари билан белгиланган» [7].

Мана шу жойда ҳар қандай динни, жумладан, исломни ҳам илм-фан ва тараққиётнинг кушандаси сифатида кескин танқид қилиб келган К.Маркснинг материалистик қарашлари нақадар асоссиз эканлигига яна бир бор амин бўламиз. У ислом манбалари билан бевосита танишмасдан туриб, ўзининг бундай радикал мазмундаги ғояларини илгари сурган. Бизга маълумки, ҳар қандай гоя ёки таълимотни танқид қилиш учун унинг бирламчи манбааларини чуқур ўрганиш қатъий тарзда талаб этилади. Аминмизки, К.Маркс Куръони карим ва ҳадислардан етарли даражада маълумотга эга бўлмаган. Шунинг учун унинг дин ҳақиқати кескин танқидий қарашлари ижтимоий ҳаётда ўз исботини топа олмади.

Демак, ислом дини тарқалган худудларда цивилизациянинг барқарор ривожи бевосита илм-фаннынг тараққиёти билан боғлиқлиги намоён бўлмоқда. Шу нуткази назардан караганада, ислом рационализмининг асосини авваламбор, илмга таяниш ташкил этади. Жумладан, Куръон ва ҳадисдаги кўрсатмалар ва маълумотларни ўз тафаккуримиз асосида тўғри англashingiz дунёвий ва диний ҳаётимизни оқилона ташкил қилишга, турмушимизда учраб турган ноҳуш ҳодисалар ечимига мос ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беришини тушуниб етамиз.

Зеро, бундай хulosalarни илгари сурар эканмиз, исломда кишилар амал қилиши лозим бўлган барча бурч ва мажбуриятлар тушунарли тарзда қўйилганини нафақат бу динга эътиқод қилувчилар, балки насронийликка тааллукли кишилар ҳам эътироф этишини қайд қилмоқчимиз: «Умуман олганда, ислом жаҳон динлари орасида бошқаларига карланда ўзининг оддийлиги ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Индивиднинг дунёга келишидан то уни тарқ этгунча бўлган давридаги барча хатти-ҳаракатлари аник йўл-йўриққа асосланган қоидага жойлаштирилган бўлиб, улар очик-ойдин мувофиқлаштирилади» [8].

Ҳақиқатан ҳам, ислом динида кишиларнинг ибодатларини амалга оширишлари ҳам, турмуш тарзларини олиб боришлари ҳам уларга ортиқча қийинчиликларни пайдо қилмаслик талаблари асосида бажариш буюрилади. Яъни, биз бу ерда айнан исломдаги рационаллик ҳолати билан дуч келиб турибмиз. Ҳусусан, фарз амалларидан бўлган рамазон рўзасини авваламбор соғ-саломат бўлган ва сафарда бўлмаган киши тутиши талаб этилади. Агарда унинг саломатлиги бунга монелик килса, унда у фидя, яъни бир муҳтожманд кишининг бир ойлик озиқ-овқатини таъминлаш орқали бу фарз амалидан озод бўлади. Сафарда юрган киши эса мусофиричиликда азият чекмаслиги учун сафари тугагандан кейин рамазон рўзасини бошқа ойнинг кунларида тутиб бериши лозим бўлади. Шунингдек, законни бериш ва ҳаж зиёратини амалга ошириш ҳам иқтисодий имконияти талаб даражасида бўлган кишиларга буюрилган. Мол-мулкка эга бўлишда ҳам оқилоналиқ тамойилининг аҳамиятини кузатишими мумкин. Исломда бой-бадавлат бўлиш таъқиқланмаган, лекин ноз-нематларни меъёрда истеъмол килиш буюрилиб, уларни исроф килиш кескин қораланади. Бу ерда сўзимиз исломдаги мўътадиллик ҳақида кетаяпти. Ҳақиқатан ҳам ислом динида ҳар соҳада мўътадилликка риоя қилишга алоҳида ургу берилган. Исломдаги фикихий мактаблар ҳам ушбу масалага ўзларининг рационалистик таълимотларида алоҳида эътибор қарраганлар. Мусулмончиликка даъво қилаётган киши менталитетида ислом рационализмининг акс этиши, унда мазкур дин арконлари ва хукмлари ҳақида етарли билим ҳамда маълумотлар мавжудлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай

билим ва маълумотларга эга бўлмаган кишиларда исломдаги оқилоналиқ тамойилидан бехабарлик кузатилади, провардида эса уларнинг менталитетида дин ҳақида нотўғри тасаввурларни ифодаловчи қарашлар доминантлик касб этади.

Яқин ўтмишимизда миллий менталитетимиз ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатишга йўналтирилган йўлни босиб ўтдик. Ҳусусан, ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб Туркистон аҳолиси манталитетига материалистик таълимотга асосланган атеистик дунёқараш гояларини сингдириш харакатлари асрнинг 70-йилларига келиб ўзининг салбий натижаларини беришга тўлиқ «муваффақ» бўлди. Оқибатда бир неча авлод диний қадриятларимизни тараннум этувчи ислом рационализми ҳақидаги билим ва маълумотлардан бебахра қолди. Бу ҳолат ўз навбатида кишиларнинг соғлом маънавий-рухий ахволига жиддий зарап етказди. Провардида, тоталитар тузум даврида жамиятимизда алкоголизм, гиёхвандлик, порахўрлик, жиноятчилик каби иллатлар кенг қулич ёзди. Бинобарин, тарих лавҳаларидан яхши маълумки, кўхна Туркистон аҳолиси ўз уйлари, устахоналари ва дўконларига кулф ўрнатмаган. Бой-бадавлат кишилар саҳоватли ва ҳимматли бўлишиб, муҳтожманд ватандошлари га беминнат ёрдам кўрсатишган. Айниқса, илм-фан билан шуғулланган кишиларга меценатлик килиш шарафли амал ҳисобланган.

Бугунги кунда ҳам миллий менталитетимиз тобора такомиллашиб бораётган шароитларда унинг диний элементи – ислом рационализми жамиятимиз долзарб муамоларини бартараф қилишда ижобий роль ўйнаши табиий ҳолдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирский Г. И. Ислам: история и современность. /[http://www.hist.msu.ru/Journals/ NNI/pdfs/Mirskij\\_2010.pdf](http://www.hist.msu.ru/Journals/ NNI/pdfs/Mirskij_2010.pdf)
2. Ракитянский Н. М. Исламский менталитет в контексте принципа политической субъектности// Теодицез. Альманах. Изд-во ПГЛУ.–Пятигорск: 2012. № 3. – С. 86
3. Мухаммад Икбал. Реконструкция религиозной мысли в исламе. Пер. с англ., предисл. и коммент. М.Т. Степанянц.-Москва.: «Восточная литература». 2002. – С.31.
4. Али-заде А. Исламский энциклопедический словарь. –Москва: «Ансар», 2007.– С.482–483.
5. Абу Хамид Мухаммад аль-Газали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги “Ихъа’ ‘улум ад-дин”. В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. –Махачкала.:«Издательский дом Нуурль иршад». –С.263
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. <http://president.uz/uz/lists/view/1018>
7. Зарринкуб А. Х. Исламская цивилизация// Пер. М. Махшулов. –Москва: «Андалус», 2004. –С.17.
8. Вииневский В. П., Вииневская Е. Н. Рост исламской экономики в мире: институциональный анализ// Теоретическая экономика. 2013.№5. – С.31.